

Абдулазиз НИҒМОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ўқитувчиси

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «НАСОЙИМУ-Л-МУҲАББАТ» АСАРИДА БУХОРОЛИК АВЛИЁЛАР ТАЪРИФИ

Уч минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган, илм-маърифат, маданият маскани сифатида жаҳон тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган шаҳар – Бухоро буюк алломалар, азиз авлиёлар юртидир.

Азалдан “Бухорои шариф” сифати билан юритилган шаҳар эндиликда “Ислом маданияти пойтахти” деган юксак унвонга сазовор бўлди¹.

Алишер Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат” тазкирасида бухоролик тасаввуф пешволари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилиши ҳам юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Алишер Навоий ўз асарида машҳур етти пир: хожাগон тариқатининг асосчиси, дунё аҳли томонидан Хожаи жаҳон дея улуғланган буюк зот – Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний (*қаддасаллоҳу таоло руҳаҳу*),

Алишер Навоий келтирган маълумотлардан маълум бўладики, бу етти пир яхлит силсилани ташкил этиб, ҳар бири ўзидан аввалги пирнинг муриди бўлган. Буни қуйидаги кетма-кетлик асосида кўрсатиш мумкин:

Юқоридаги машойихлар, етти пир номи билан машҳур бўлган зотлар ҳақида кенг тадқиқотлар олиб борилган ва улар ҳақида етарлича маълумот бор. Шу сабабдан биз Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат” асарида келтирилган ва ушбу пирларга устозлик қилган бошқа бухоролик авлиёларга атрофлича тўхталишни маъқул кўрдик.

Асарда 297- ўринда зикр этилган машҳур тасаввуф вакили, бухоролик пир Абу Бакр Фолизбон Бухорий (*раҳимаҳуллоҳу таоло*) бўлиб, Навоий унинг ҳақида ёзади:

“Бухоролиғдур. Бузург эрмиш. Жунайд

қаддасаллоҳу сирраҳуни кўрубтур. Шайхулислом дебдурки, Шайх Аму Бухорога борди, ани кўргали. Дебдурки, ани бир уйда топтимки, бир эшиги бор эрди, кирдим ва салом қилдим. Мени ўлтуртти ва суфра келтурди. Суфрада нон эрди ва ёнғоқ ва туз. Мен оч эрдим, емакка машғул бўлдум. Анга боқтим, ул йиғлайдур эрди. Илик таомдин торттим. Манга дедиким, сен нима егилки, мен шодлиғдин йиғлайдурменки, Абулқосим Жунайд қаддасаллоҳу сирраҳу манга деб эрдиким, бот бўлғайки, бу сўзлар андақ бўлғайки, бир кўйда ики хужра бўлсаки, бирида бу сўзлардин бўлса ва яна бирида бўлмаса, бўлмагон хужрадин келиб, бўлган хужрадағидин бу сўзни эшитурга қари қилмағай, ҳолоким, ҳануз Ҳиротдин Бухорога бу сўзларни эшитурга киши келур, ҳўбдур”².

Юқоридаги таърифдан маълум бўладики, Ҳазрат Абу Бакр Фолизбон Бухорий буюк мутасаввиф бўлиб, замонасининг улуғ авлиёларидан Жунайд Бағдодий (*қаддасаллоҳу сирраҳу*) билан ҳамсуҳбат бўлишдек шарафга мушарраф бўлган. Шунингдек, шайхлардан бири Аму Бухорога борганида ул зотнинг хузурларида меҳмон бўлади. Ҳазрат унинг олдига нон, ёнғоқ ва туз бўлган дастурхон ёзадилар. Таом тановули билан машғул бўлган Шайх бир фурсат ўтиб Ҳазрат кўзларида ёш кўради ва дарҳол тановулдан тўхтади. Шунда Ҳазрат Фолизбон: “Сен таомдан тўхтама, мен шодликдан йиғлайман. Абулқосим Жунайд (*қаддасаллоҳу сирраҳу*) бир замонлар менга шундай деганди: “Бир кўйда икки хужра бўлса, бирида бу сўзлар (илоҳий сўзлар)дин бўлса, иккинчисида бўлмаса, кишилар у хужрадан бу хужрага (яъни илоҳий сўзлар сўзланадиган хужрага) келишни ор билмайдилар” – дедилар.

Ўша даврда кўплаб инсонлар Ҳиротдан Бухорога шу сўзларни эшитмоқ учун борганлари ҳақидаги маълумотлар бошқа манбаларда ҳам учрайди. Бундан маълум бўладики, Ҳазрат Фолизбоннинг зиёратчилари кўп бўлиши ва унинг улуғ мақомларга эришиши замонасининг валийси Жунайд Бағдодий (*қаддасаллоҳу сирраҳу*) томонидан башорат қилинган.

Яна бир буюк авлиё, яссавия тариқатининг таниқли намоёндаларидан бири, замонасининг валийси Ҳазрат Қусам Шайх (*раҳимаҳуллоҳу*

¹ <https://uza.uz/oz/society/bukhoro-islom-olami-madaniyati-poytakhti-18-02-2020>

² Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат мин шамойимил футувват. Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Исломий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 198.

таоло) ҳам ушбу тазкирадан ўрин олган. У 448- ўринда тилга олинган бўлиб, Навоий ул зот ҳақида қуйидагиларни ёзади:

“Ул турк машойихидиндур. Хожа Аҳмад Яссавий қуддиса сирраҳу хонадонидиндур. Хожа Баҳоуддин ул сўз мужибика, Амир Саййид Кулол аларга ижозат берганда деб эрдик: “Ҳар қайендин ройиҳаи димогингизга етса, талабда тақсир қилманг”. Қусам Шайх хизматиға бордилар. Ул аввал мулоқотда қовун ейдур эрди. Пўчоғни Хожа сари ташлади. Алар гоят талаб ҳароратидин ул пўчоғни териси била едилар. Ул мажлисда икки-уч қатла бу навъ воқеъ бўлди. Ҳам бу мажлисда Шайхнинг ходими кириб дедик: “Уч тева ва тўрт от гойиб қилибмен”. Шайх ишорат Хожага қилиб дедик: “Ани яхши тутунгуз!” Тўрт киши андоқ хушунат била Хожага япуштиларки, гўё орада қони воқеъ бўлубтур. Ҳазрат Хожа дебдурларки: “Кишигаки, турк машойихининг шинохти бўлмаса, алар тариқидин мутанаффир ва навмид бўлур”. Хожа мулоқиб ўлтурдилар. Намозиом адосидин сўнгра ходим яна кириб дедик: “Ғойиб бўлган тевалар ва отлар ўзлари келдилар. Қусам шайх хизматида Хожа уч ойга яқин бўлди. Охирул амр Шайх Хожага ташириф берди ва деди: “Тўққуз ўғлум бор. Сен барчасидин улугроқ ва муқаддамроқ. Андин сўнг Шайх ҳар қачон Наҳшабдин Бухорога келур эрди, Хожа мулоқот ва мулозамат қилурлар эрди. Шайх дебдурки: “Бу навъ талабгорлиқки, сенда кўрубмен, толиблардин ҳеч қайсида кўрмаймен”. Охир бу Қусам Шайх гоят инқитобий ва камол бетаъайюнлугидин Бухоронинг тимларидин бирида анвоий савдо ва сотиқ қилди ва чиқиб бир дўкончада ўлтуруб, асҳоб ва фарзандларидин ҳар кимки, онинг била эдилар тилади ва дедиким: “Бизинг борур чоғимиз бўлди. Тавҳид калимасин алар мувофақати била айтти”. Ва жон таслим қилди”³.

Алишер Навоий берган таърифдан англашиладики, Ҳазрат Қусам Шайх буюк турк шайхларидан бўлиб, келиб чиқиши Хожа Аҳмад Яссавий (қуддиса сирраҳу) хонадонига бориб тақалади. Навоий Хожа Баҳоуддин Нақшбанд

ҳам ўз вақтида ул зотнинг хизматида бўлганини баён этар экан, буни пири Амир Саййид Кулол Баҳоуддин Нақшбанднинг таълими тугаб, ижозат бераётганида: “Қаердаки ёқимли ҳид сезсангиз, у ерга боришга асло эринманг!” деган маслаҳатига амал қилганлиги билан изоҳлайди. Шу сабабдан, Хожа Баҳоуддин Қусам Шайх ҳузурига борадилар. Баҳоуддин ҳазратлари Косонга бориб, Ҳазрат Қусам Шайх уйларига кирганларида, улар қовун еб, қолдиғини Хожанинг олдига отибдилар. Ҳазрат Баҳоуддин

Хожа Баҳоуддин уч ойга яқин Қусам Шайх хизматида бўлади ва сабоқ олади. Сўнг Қусам Шайх Хожанинг ҳужрасига ташриф буюради ва Хожа унга ўзининг тўққиз ўғлидан ҳам улуғ ва азизроқ эканлигини айтиб унга ижозат беради.

Шундан сўнг, Қусам Шайх Бухорога борган кезлари, Хожанинг ҳузурига кирар, Ҳазрат Баҳоуддин эса унга илтифотлар кўрсатиб, суҳбатини олардилар. Шундай суҳбатлардан бирида Шайх Қусам Хожа Баҳоуддиндаги илмга бўлган ғайратни олқишлар экан: “Сендаги илмга бўлган бундай талабни, бошқа толибларнинг ҳеч бирида кўрмаганман”, дейди. Бундан англашиладики, Ҳазрат Баҳоуддиндаги илмга бўлган ташналик, устозларга эҳтиром каби фазилатлар у зотнинг юксак мақомларга эришишига сабабчи бўлган омиллардандир.

“Насойиму-л-муҳаббат”да ёзилишича, бир куни Қусам Шайх Бухоронинг тимларидан бирида зарур нарсалар харид қилади ва чиқиб дўкон супасига ўтиради. Атрофига фарзандлари ва шогирдларини чақиради. “Бизнинг кетар вақтимиз яқинлашди!”, дейди-ю, тавҳид калимасини улар ҳамроҳлигида айтгандан сўнг жон таслим қилади.

Алишер Навоий бу зотнинг қабри қаерда жойлашгани ҳақида маълумот бермаган, бироқ бугунги кун маълумотларига қараганда Ҳазрат Қусам Шайхнинг қабрлари Косондаги Пудина қишлоғида бўлиб, у ерда зиёратгоҳ мавжуд.

Нақшбандия тариқатининг асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбандга устозлик қилган машойихлардан яна бири Халил Ота бўлиб, ул зот буюк турк шайхларидан эдилар. “Насойиму-л-муҳаббат”да 449-ўринда зикр этилган ушбу буюк авлиё ҳақида Навоий қуйидагиларни ёзади:

³ Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат мин шамойимил футувват. Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Исломи. – Т.: Мовароуннахр, 2017. – Б. 299.

“*Хожа Баҳоуддин ҳазратлари дебдурларки: “Бидоят ҳолда бир кеча Ҳаким ота раҳимаҳуллоҳники, турк машойихининг киборидиндур, воқиада кўрулдики, бизни бир дарвишга сипориш қиладур. Уйғонгандин сўнгра ул дарвишининг сураати хотирда эрди ва бизга жаддаи эрди, солиҳа отамиз онаси. Ул воқиани аларга айттуқ. Дедиларки: “Эй фарзанд, санга турк машойихидин насиби бўлғусидур”. Ва мен доим ул дарвишга толиб эрдим. То бир кун Бухоро бозорида ул дарвишга йўлуқтум ва танидим. Отин сўрдум, Халил эрди. Ул замон анинг била мужоласат ва муколама муяссар бўлмади. Чун манзилга бордим ва оқшом бўлди. Ул дарвиш қошидин биров келиб, мени тилади. Куз айёми эрди, бир пора мева олдим ва ул дарвиш хизматиға бордим. Чун тиладимки, ул воқиани анга изҳор қилгаймен. Айттики, улча сенинг хотирингдадур, бизга аёндур, баён қилмоқ Хожат эмас. Менинг ҳолим ўзгача бўлди. Кўнгул майли анинг суҳбатига кўп бўлди ва анинг суҳбатида шигарф аҳвол ва ғариб ва ажиб нималар мушоҳада бўлур эрди андин. Ва муддатдин сўнгра Мовароуннаҳр мулкининг салтанати анга мусаллам бўлди ва манга анинг хизмат ва мулозаматин қилмоқ зарур эрди. Ва мулозамат айёмида ҳам азим ишлар зоҳир бўлур эрди ва манга шафқатлар зоҳир қилур эрди. Гоҳи лутф ва гоҳи унф била манга хизмат одобин таълим қилур эрди ва ул жиҳатдин кўп фавоид манга етар эрди ва бу йўл сайр ва сулукида кўп ишқа ярар эрди. Ва олти йилгача анинг хизматида бу навъ бўлур эрдим. Ва халода хос суҳбатининг маҳрами эрдим ва малода салтанати одоби риоятин қилур эрдим. Ва маликдин бурунроқ ҳам олти йил анинг хизмати ва суҳбатида бўлур эрдим. Кўп қатла боргоҳи хавоси қошида айтур эрдиким, ҳар ким Ҳақ таоло ризоси учун менга хизмат қилур, халқ орасида бузург бўлгай. Ва манга маълум бўлур эрдиким, бу сўздин мақсуди кимдур. Бу муддатдин сўнгра, чун мажозий мамлакатига завоқ бўлди ва бир лаҳзада мулк ва хидам ва ҳашами ҳабоан мансуран бўлди ва дунё иши тамом менинг кўнглумга совуди. Бухорога келдим. Ривартундаким, Бухоро кентларидиндур, сокин бўлдум”⁴.*

⁴ Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат мин шамойимил футувват. Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Исломи. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 300.

Алишер Навоийнинг ушбу таърифидан англашиладики, Хожа Баҳоуддин ҳазратлари бир куни туш кўрадилар. Тушларида турк шайхларининг улуғларидан бўлган Ҳаким ота раҳимаҳуллоҳ уларни бир дарвеш кўлига топширадилар. Уйғонгандан сўнг у дарвешнинг юзи хотираларида қолади. Бувиларига кўрган тушларини сўзлаб берганларида, бу хайрли аломат эканлигини таъкидлайдилар. Хожа узоқ вақт ўша дарвешни кутади ва

Бироз муддат ўтиб Халил ота Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлади ва Хожа уларнинг хизматида бардавом бўлади. Бу орада Халил ота Хожани гоҳ лутф билан, гоҳ кўполлик билан тарбиялашда давом этади. Хожа Баҳоуддин бу хизмат унга кўп фойдали бўлгани ва бу йўл (тариқат)да унинг ишига яраганини таъкидлайди. Шундай қилиб Хожа олти йил уларнинг хизматида бўлади ва Халил отанинг қуйидаги сўзларини эслайди: “Ҳар кимки Ҳақ таоло ризоси учун менга хизмат қилса, халқ орасида юксалгай!” Олти йилдан сўнг унинг ҳукмронлиги тугайди ва дунё ишларидан кўнгли совиган Хожа Баҳоуддин Бухорога қайтадилар.

Юқоридаги таъриф-у тавсифлардан маълум бўладики, уч буюк авлиё: Ҳазрат Абу Бакр Фолизбон Бухорий (*раҳимаҳуллоҳу таоло*), Ҳазрат Кусам Шайх (*раҳимаҳуллоҳу таоло*), Халил Ота (*қаддасаоллоҳу сирраҳу*) бухоролик авлиёлар орасида ўз ўрниларига эга бўлиб, етти пир номи билан машҳур бўлган зотларга устозлик қилганлар ва уларнинг камолотида ўзига хос рол ўйнаганлар.

Алишер Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат” асари ўзида ислом оламининг машҳур машойихларини жамлаганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Унда Навоий жами 770 машойихлар ҳақида маълумотлар келтирган бўлиб, шундан 35 таси орифа аёллардир.

Алишер Навоий ўз асарида мутафаккирларнинг ибратли ҳаётлари ва ҳикматли фикрларини баён этиш билан

Асарда Ўзбекистон ҳудудида туғилиб, фаолият юритган машойихлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган бўлиб, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва тасаввуф оламида тутган мавқеи алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тараққиётида тутган бекиёс ўрни белгиловчи омилардан биридир.